

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
5 июль

ЧОРШАНБА

№ 54 (13002)

www.thtp.uz

ОҚҚҮРҒОН КАЛАВАЛАРИ ЕВРОПА БОЗОРИГА



Бир пайтлар Оққурғон туманининг Дўстлик қишлоғида экспорт-боп маҳсулот тайёрлайдиган йирик саноат мажмуаси қурилади, деса, биров ишонмаган бўларди. Не бахти, бугунги ислохотлар шиддати ҳар қандай орзулар рўёби сари йўл очмоқда.

Имконият

Бинобарин, худди шу қишлоқда ўтган йили иш бошлаган «Maxim Gold Text» корхонаси қишлоқ аҳли, хусусан, маҳаллий ёшлар бандлигини таъминлашда беқиёс имкониятлар яратди.

Корхона йилига 2,5 минг тонна ип-калава тайёрлаш қувватига эга. Цехлар Германия ускуналари билан жиҳозланган. Корхона маҳсулотлари тўлиқ Россия, Хитой ва Европанинг бир қатор мамлакатлари бозорларига жўнатилмоқда.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги XXIII сессиясини чақириш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXIII сессияси 2017 йил 7 июль куни соат 8.00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими
2017 йил, 4 июль

Ш. БАБАЕВ

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

МУРОЖААТЧИЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

Фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан ўтказилаётган сайёр учрашув ва мулоқотларда нафақат Халқ қабулхоналари мутасаддилари, балки маҳаллий ҳокимлардан тортиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, корхона, муассаса ва ҳатто нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳам иштирок этмоқдалар. Бу бежиз эмас. Мурожаатларда эътироз билдирилмаётган соҳа деярли қолмапти. Хусусан, Пискент туманида ўтказилган сайёр қабул жараёнида ҳам шундай ҳол кузатилди.

"Файзобод" маҳалласилик Есенбек Аубакировнинг ёзишича, турмуш ўртоғи ва вояга етмаган икки фарзанди билан доимий рўйхатда туриб, яшаб келаётган уйини отаси қўшниларига яширинча, нотариал идорада ҳужжатларни расмийлаштирмай, яъни оқсоний сотиш юборибди. Уйни ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиб олган қўшни нахотки, мутлақо ҳуқуқий саводсиз бўлса? Энди Е. Аубакиров ўз уйини ўзига расмийлаштириб беришларини илтимос қилапти. Ҳақиқатан ҳам камдан-кам учрайдиган ҳолат. Туман прокуратураси ва нотариал идораси раҳбарлари шикоятчига бу масалада фуқаролар иши бўйича судга мурожаат қилиши лозимлигини тушунтиришди.

– 2016 йилнинг октябрь ойидан буён "Саид олтин кир" фермер хўжалиги фалласини сугориб келдим, – дейди Навоий номли маҳаллада яшов-

чи Бахтиёр Ўсаров. – Фермер экин экиб олишим учун ер беришни ҳам ваъда қилган эди. Мана, фалла ўриб ҳам бўлинди. Аммо ҳанузгача на ер, на иш ҳақини ололмай, сарсон эдим. Фермер бу ишни нима мақсадда туман прокуратураси аралашгунча чўзиб келганини тушунолмадим.

Сайёр қабул жараёнини кузатиб бориш шунини кўрсатмоқдаки, аҳоли кўпроқ тижорат банклари хизматидаги камчилик ва нуқсонлардан норози. Халқ қабулхоналарига тушаётган мурожаатларнинг аксарияти банк ҳо-димларининг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги оқибатида юзага келаётган муаммолар ҳақида. Хусусан, Пискент туманидаги сайёр қабул жараёнида кўриб чиқилган жами 16 та мурожаатнинг 9 (!) таси айнан шу мавзуда эди. Дарвоқе, мазкур норозиликнинг 4 таси "Халқ банки"га тегишли.

Давоми 2-бетда.

НАМУНАВИЙ УЙЛАРГА ҲАВАСИНГИЗ КЕЛАДИ

Инсоннинг турмуш фаровонлиги, аввало, яшаш шароити билан белгиланади. Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимизда давлатимиз томонидан замонавий, шинам ҳамда арзон нархлардаги намунавий уй-жойлар қурилаётгани эътиборга молик.

Бунёдкорлик

Вилоятимизда ҳам ана шундай бунёдкорлик ишлари кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Ўрта Чирчиқ туманидаги Кумовул қишлоғи "Қўқоновул" маҳалласида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Айни кунда бу ерда икки ва тўрт сотихли, 3-4 хонали юздан ортиқ замонавий уй-жой қад кўтармоқда.

Гувоҳи бўлганимиздек, шу кунларда мазкур ҳудудда фаолият олиб

бораётган қурувчилар гишт теришни яқунлаб, том ёпиш, плита ётқириш ва пардозлаш ишларини давом эттиришаётир. Қурилиш материаллари таъминоти, уста-қурувчиларнинг яхши ҳордиқ чиқариб, унумли ишлаши учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

– Ташкилотимиз ўн бешта икки қаватли уй барпо этишни ўз зиммасига олган, – дейди қурувчи Мухтор Рўзиев. – Уларни энг улуг, энг азиз байрамимиз – Ватани-

миз мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз.

Мазкур уй-жойларни кўздан кечириб эканмиз, лойиҳаси эътиборимизни тортди: уйларнинг юқори қаватидан меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, пастки қаватидан эса ошхона, омборхона, ювиниш ва бошқа хоналар ўрин олган. Хоналарнинг бундай жойлашуви унда яшовчиларга ҳар томонлама қўлайлик яратади.

Икки сотих ерга қурилаётган арзон уйлардаги шароит ҳам улардан қолишмайди, ҳавасингиз келади.

Маъмуржон
БОЗОРЛИЕВ.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат.



УСТАБУЗАРМОНЛАР

Таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Бозор" романи бошланишида "...ор, ...зор, ...озор, ...бозор сўзлари алоҳида кетма-кетликда қайд этилган. Ушбу шаклий топилма ҳар кимнинг ўз дунёқараши, диди, тафаккур қамровидан келиб чиқиб маъно кўламига эга бўлади. Бизнинг бугунги мулоҳазаларимиз мазкур асар ҳақида эмас. Ёзганларимиздан мақсад – оримиз келганини, яхши китобларга зор бўлганимизни, тугуриқсиз "ёзгувчилар"дан озорланганимизни айтиб, "бозор адабиёти" дея ҳаётимизга сурбетларча суқилиб кибриб келаётган бемаза битикларга муносабат билдиришдан иборат.

Маънавият

Маҳоратли ёзувчи Абдуқайом Йўлдошевнинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилган "Эскирмаган ўғитлар" мақоласида минг таассуф билан билдирилган мулоҳазалар бугунги кундаги китоб дўконларимиз аҳолини, графамания (кўп ва бемаъни ёзиш) иллатига йўлиққан тоифа ур-

чиб бораётганини аниқ-тиниқ ифодалайди: "Яқинда китоб расталарини айланиб юрган чоғимиз "Бу ерда фалон ёзувчининг асарлари сотилапти", деган эълонга кўзимиз тушиб қолди. Бундай ёзувчи пайдо бўлганидан бехабар эдик, шу сабабли қаторлашиб турган, қалин муқовали "рўмон"лардан харид қилдик.

Ошнинг таъмини билиш учун бир товоқ ейиш шарт эмас, бир чўқим кифоя қилгани каби биз ҳам зўр бериб тарғиб-ташвиқ қилинаётган "дурдона" асарлардан бир-икки саҳифа ўқидик. Аммо... Аммо Абдулла Қаҳҳор Чеховдан мисол келтирганидек, "шакар селиб берилгани билан ҳам қурбақани еб бўлмайди..." Ваҳоланки, китоб муҳаррири фалончи, унга сўзбоши ёзган пистончи – ҳамма-ҳаммаси таниқли номлар...

Юқоридаги ҳулосаси билан яхши ёзувчи айни пайтда зукко мунаққид бўлишни исботлаган Абдуқайом Йўлдошев, афсуски, "сермахсул ижодкор" исмини очиқ-ойдин айтмайди.

Давоми 4-бетда.

Изҳор

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёш авлодга юзланиб: "Биз, ота-оналар, устоз ва мураббийлар сизларни, бугун Ўзбекистон ёшларини Ватанимиз, жамиятимизнинг

ҳал қилувчи кучи, деб биламиз ва сизлар ҳамisha халқимизнинг мана шундай юксак ишончига муносиб бўласиз, деб ишонамиз", дея келажакимиз эгаларига бўлган муносабатини самимий сўзлар билан изҳор қилди.

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Дарҳақиқат, истиқлолнинг 26 йиллик шодиёнаси остонасида туриб, ортга назар ташлар эканмиз, шу вақтга қадар амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти, эзгу интилишларимизнинг пировард мақсади фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, уларнинг тинч ва фаровон умргузаронлик қилишлари учун қўлай ва кенг шароит яратишдан иборат эканини чуқур ҳис қиламиз, бунга чин дилдан амин бўламиз.

Юртбошимизнинг қурултойида билдирган фикрлари, таклифу мулоҳазалари, қарорларини тафаккурдан ўтказиб, қалб кўзгусига солар эканмиз, бу инсон 32 миллион киши тақдирини чамбарчас боғлиқ давлатни бошқаришдек ўта мураккаб ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олгани баробарида ёшларни ўйлантириб келаётган масалалар, уларни қийнаётган саволлар, керак бўлса, йигит-қизларнинг кўнглидаги орзу истаги, мақсаду инти-

лишларидан ҳам боҳабар эканига қўйил қола-миз.

Ростдан-да, давлатимиз раҳбари бугун қуруқ мақтовлар, ҳаётда ўз тасдиғини топмаган статистикалар, оқ қоғозга битилган "салмоқли" рақамларни четга суриб, вужудга келган вазиятга реал қараш, муаммоларни яшириб, хаспўшламасдан уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўлидан бориш кераклигини талаб қилмоқда.

Бугун дунёдаги тинчлик, фаровонлик ва барқарорликни аёвсиз емираётган диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарни тугдирётган қора кучлар, энг аввало, ёшларнинг онгу шуурини, имону эътиқодини нишонга олмоқда. Афсуски, мамлакатимизда ҳам адашиб, билиб-билмай ёшларнинг қўлига тўрига илиниб қолаётган йигит-қизлар борлигига кўз юмиб бўлмайди.

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимиз-

да ёшларга сид давлат сиёсатида барча жиҳатларни инобатга олиб, йўналишларни тўғри танлаш, нимага қилиш даркорлиги, муаммолар ечимини аниқ билиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

"Қамолот" қурултойида кўтарилган масалалар бугун юртимизда кенг муҳокама қилинмоқда.

Хусусан, ўзини Ватан ва эл-юрт тақдирига дахлдор санаган ёшлардан бир гуруҳи Президент нутқи бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Адхам АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Ёшлар
иттифоқи вилоят
кенгаши бўлим
мудир:

Мамлакатимиз ёшларини ўз қанотида оладиган Ўзбекистон Ёшлар иттифоқини тузиш ва 30 июнь санаси Ёшлар кунини сифатида кенг байрам қилиниши тўғрисидаги таклиф давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга бўлган оталарча ғамхўрлиги, эътибори ва муносабатининг амалий ифодаси бўлди.

Давоми 2-бетда.

СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ

Энг улуг, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллик шодиёнасини нишонлашга қизғин ҳозирлик қўрилаётган мана шу шукҳули кунларда бағрикенг ва меҳнаткаш халқимиз босиб ўтган йўлга назар солиб, ислохотлар самарасини сарҳисоб қилиб, мамлакатимиз тарихан қисқа фурсат ичида улкан ютуқ ва юксак марраларни забт этганига амин бўламиз.

Албатта, юртимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, тўкин ва фаровон турмуш ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Булар, энг аввало, истиқлол берган имконият, давлатимиз раҳбарияти томонидан инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли иш-ишлар, бунёдкор халқимизнинг олижаноб мақсадлар йўлидаги интилиш ва изланишлари, фидокорона меҳнати самарасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат тасвири шарафига"нинг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қаро-

рида таъкидланганидек, Ватанимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очган буюк ва бебаҳо неъмат – Истиқлол – миллий тараққиётимизни, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирини, келажакини, халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда мустақкам пойдевор бўлаётир.

Шу билан бирга бугун халқаро майдондаги сиёсий вазият, жаҳон бозори конъюктурасининг кескин ўзгараётгани, глобаллашув шароитларида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизнинг ҳар томонлама тараққиётини таъ-

минлашда мутлақо янги-ча ёндашув ҳамда таъминотларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татиқ этишни талаб қилмоқда. Ислохотлар таъсирчанлигини ошириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш жараёнида инсон манфаатларини ҳимоялаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Зеро, 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили", деб номланишида ҳам ана шу мақсад муҳассам.

Бу йўлда муҳим дастуриламалга айланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги мавқеини мустақамлашнинг алоҳида кўзда тутади.

Давоми 2-бетда.

Шу сонга

Мамлакатимизда тарихий-меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш, машҳур алломаларимизнинг бебаҳо маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўн учинчи жилд: Тошкент вилояти

"Ўзбекистон обидаларидаги битиклар" номи 25 жилдлик махсус китоб-альбомнинг тайёрланаётгани ҳам шу йўналишдаги ибратли ишлар сирасидандир. Яқинда мазкур китоб-альбомнинг ўн учинчи –

Тошкент вилоятига бағишланган жилди нашрдан чиқди. У Зангиота меъморий мажмуасидан тортиб, воҳодаги бир қатор осориётқалардаги тарихий битикларни қамраб олган.

Ўз муҳбиримиз.

Қадимдан миллий қадриятларимиз намунаси, тарбия, маърифат ва маънавият ўчоғи бўлиб келган маҳалла мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарувчи органи – демократик институт сифатида шаклланди, кенг имконияту ваколатларга эга бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни самарали ҳал қилишдаги ролини кучайтириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Дунёда ўхшаши бўлмаган, аҳолига энг яқин ва халқчил тузилма – маҳалла мамлакатимизда юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, жамиятимизда меҳроқабат ва ҳамжихатлик муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларни маънан ва jisмонан баркамол тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий кўллаб-қувватлаш, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбу-

Бошланғич 1-бетда.

зарликларнинг олдини олиш, жойларда кўтарилаётган масалаларни ўз вақтида ҳал этишга кўмаклашиш каби ижтимоий-иқтисодий муҳим масалалар билан шуғулланиш маҳалла институтини ёрдамда амалга оширилади.

СОБИТҚАДАМЛИК САОДАТИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, бугун маҳалла институтини жойларда халқнинг маслаҳатчи ва кўмаклашувчи, керак бўлса, "адолат тарозуси"га айланиши лозим. Бу, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

Хабарингиз бўлса керак, 28 июнь кунини Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тизи-

мида ташкил этилган анжуман доирасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши тузилди. Республика кенгашининг раиси, унинг биринчи ўринбосари, ташкилий иш-

лиқ эканини унутмаслик лозим. Ўз навбатида, маҳалла ҳам зиммасидаги вазифаларни тўлиқ адо этиш йўлида бор имкониятларини ишга солиши даркор. Шу маънода, фонднинг вилоят бўлими томонидан туман ва шаҳарлар-

лар ва услубий масалалар, ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосарлари, кенгаши котиби сайланди. Республика кенгаши қошида жамоатчилик назорати гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Президентимиз юритаётган сиёсат маҳаллани жамият тарраққиётига хизмат қилувчи кучли ижтимоий институт мақомига кўтарилишини талаб этмоқда. Дарҳақиқат, бугун ҳар бир фуқароннинг тақдирининг унинг оиласи, маҳалласи ва Ватани билан чамбарчас боғ-

даги мингдан зиёд маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди, кам таъминланган оилалар, боқувчиларини йўқотган фуқаролар ва ёлғиз кексалар, шунингдек, "Меҳрибонлик", "Мурувват" ва "Саховат" уйларида ҳар томонлама кўмак бериш, муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, масжид ва зиёратгоҳларни ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Маҳалла – навқирон авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол вояга етказишда масъул тарбия ўчоғидир. Ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларга тўғри

йўл кўрсатиш, ўғил-қизларнинг одоб-ахлоқи, маънавий савиясини ошириш, касб-ҳунарга йўналтириш, бир сўз билан айтганда, катта ҳаётга тайёрлаш ишлари ҳам кун тартибидан энг долзарб масалалардандир.

Ҳар бир инсон маҳаллада яшайди, шундай экан киши ушбу ўзига хос ижтимоий институт ҳаётига дахлдорлигини ҳис қилиши даркор. Одам боласи, энг аввало, ўзлигини англаса, оиласи ва маҳалласи қадрини билса, унинг қалбиде ватанпарварлик туйғуси барқ уради, фидойи инсон сифатида Ватани қорига ярайди.

Бу йил энг улуғ ва энг азиз байрашимиз "Фидойинг бўл-гаймиз сени, Ўзбекистон!" бош ғояси остида халқимизни бирлаштирган ҳолда бутун мамлакат бўйлаб катта тантана қилинади.

Мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллик шодиёнасини кенг нишонлаш мақсадида вилоятимизда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида қизгин тадбирчилик қилинмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда жуда катта ҳажмда бўёдорлик, ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Зотан, озод ва обод юртгагина мана шундай байрамлар ярашади.

Ҳақимжон ҲАМИДОВ,
"Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви раиси.

Президентимизнинг нутқи билан танишар эканман, менинг ҳам қалбимдаги орзу умидларим, ўй-фикрлар, мақсад-муддаоларим амалга ошишига ҳақиқий ишонч пайдо бўлди. Янги ташкилотга ёшларнинг ҳақиқий таяничи ва суянчи бўлиш вазифаси топширилди. Бунинг қаранг, ёшларнинг шахсий уй-жой, машинага эга бўлиши, олий ўқув юртида ўқиши учун шартномани тўлаши, ўз бизнесини очиб, кредит олиши учун улкан имтиёзлар берилганидан бўлди, йигит-қизларни қо-

Баъзан Зулфия номидаги Давлат мукофотини олган спортчи қизларга бўлган эътиборга ҳавас қилган пайтларимиз ҳам бўлгани рост.

Юртимизда илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт, тадбиркорлик, бизнес, ҳарбий хизмат, умуман, барча соҳаларда ўзининг ҳалол хизмати билан ана шу янги таъсис этилаётган мукофотга муносиб бўлган азаматлар жуда кўп. Юртбошимизнинг ҳар қандай ютуқ, ҳар қандай ғалабанинг замирида, аввало, меҳнат ва

ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

ғозда эмас, амалда иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булар биз учун жуда катта имконият-ку, ахир.

Албатта, мен ҳам ўзим эгаллаган соҳа бўйича билим ва имкониятларимни Ватан равнақи йўлида сарфлайман. Янги тузилган Ёшлар иттифоқи биз учун кенг имкониятлар очиб берар экан, ишончим комилки, юртимизнинг барча ҳудудларидаги тенгқуларим, дўстларим билан унинг қаноти остида бирлашамиз. Биргаликда биз буюк келажагимизни бунёд этадиган катта кучга айланамиз.

Адхам ЭРГАШЕВ,
оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, "Баркамол авлод – 2017" ўйинлари ғолиби:

– Ҳар қандай эътибор ва ғамхўрлик спортчини ғалабага илҳомлантиради. Юртимизда ўз ютуқлари билан Ватанимизни шарафлаётган йигитлар учун "Мард ўғлонлар" номи Давлат мукофоти таъсис этилган бўлди. Аслида спортчиларга юксак ғалабалар учун бериладиган бир неча фахрий унвонлар бор. Лекин, айнан ёш йигитлар учун махсус мукофот йўқ эди.

Бошланғич 1-бетда.

Ҳа, аслида ҳозирдаёқ ёшларнинг орзу истаклари рўёбга чиқа бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзи навқирон авлоднинг ҳар қандай муносабатига "Лаббай", деб турибди. Шундай экан, юртимизнинг барча ҳудудларидаги йигит-қизлар учун Ёшлар иттифоқи тимсолида бир ғоя – "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда" шiori остида бирлашиб, Мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун хизмат қилиш ҳақиқий бахтдир.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МУРОЖААТЧИЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

Кейинги пайтда томорқа ерларидан самарали фойдаланиб, оилалар турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида иссиқоналар барпо этиш, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қорамол ва парранда боқиб билан муҳим шуғулланиш ҳаракати кенг кулоч ёймоқда. Тижорат банклари зиммасига мазкур оилаларни молиявий кўллаб-қувватлаш вазифаси юкланди. Пискент шаҳарчаси Ойбек номи маҳаллада яшовчи Равшан Раимқулов, Сардор Эркинов ва Ўткир Раимқулов шу имкониятлардан фойдаланиб, томорқаларида иссиқона қуриб, сабзавот етиштириш мақсадида "Халқ банки" туман филиалига 5 миллион сўмдан кредит сўраб, мурожаат қилишди. "Дўстлик" маҳалласилик Зиёвуддин Тўрғунов эса, паррандачилик билан шуғулланишни режа қилиб, кредит сўради. Аммо, уларнинг ниятлари кўп оворатарчиликлардан сўнг Халқ қабулхонасига мурожаат қилишга амалга ошди.

– "Комилжон Голд Стар" хусусий корхонами янада ривожлантиришни режалаштириб, "Микрокредит-банк"нинг туман филиалидан 10 миллион сўм кредит олмақчи бўлдим, – дейди Пискент шаҳарчаси "Мўминбод" маҳалласида яшовчи Комилжон Каримов. – Афсуски, чучварани хом санаган эканман, сарсонгарчилик Халқ қабулхонасига етиб борди.

– Худди шундай савдо менинг ҳам бошимга тушди, – дейди "Янги ҳаёт" маҳалласилик Ситора Турсунова. – "Мўминхўжа тег" оилавий корхонамизни кенгайтириш мақсадида мазкур филиалдан сўраган 20 миллион сўм кредит Халқ қабулхонаси мутасаддилари аралашганидан сўнг унадиған бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Халқ қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар амалдаги қонунлар асосида адолатли ечим топоқда. Сайёр қабуллар чоғида билдирилган миннатдорчилик ва ёзма раҳматномалар бунга яққол далил. Демак, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган халқ билан юзма-юз ва очик мулоқотлар қутулганидан ҳам зиёд натижа берапти.

Абдусамид Йўлдошев,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

"Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз."

Давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам таб-

Муассис ва тахририят: ҲАМКОР, ҲАМЖИҲАТ, ҲАММАСЛАК



Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси, Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Куйи Чирчиқ тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда вилоят, туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари, вилоятдаги ноширлик ва матбаачилик корхоналари мутасаддилари, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этишди.

Анжуманда сўзга чиқ-

қан вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини профессори Султонмурод Олимов ва бошқалар Президент табриғида илгари сурилган ғоя ва мақсадлар, белгиланган вазифаларнинг бекаму кўст рўёбга чиқишида оммавий ахборот воситалари ижодкорларидан

тезкорлик, ҳолислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда таҳрибат талаб этилиши, бугунги шиддаткор ахборот асирининг ўзи матбуотнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини оширишини таъкидладилар.

Дарвоқе, анжуманнинг айнаи Куйи Чирчиқ туманида ўтказилган бежиз эмас. Негаки, шу кунларда туман жамоатчилиги ўзлари учун сеvimли бўлган "Эркин

риғидаги шу каби фикрларни бугун вилоятимизда фаолият олиб бораётган 60 дан ортиқ босма нашрларнинг ҳар бир ижодкори ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида қабул қилмоқда.

Бу Куйи Чирчиқ туманида бўлиб ўтган вилоят босма оммавий ахборот воситалари вакиллари вакиллари навбатдаги аънавий семинарида ҳам кун мавзусига айланди.

сўз" газетаси чоп этила бошлаганининг қутлуг 90 йиллигини кенг тантана қилмоқдалар.

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда сўзга чиққан туман ҳокими Ботир Раҳимов, "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Ғайрат Шералиев, шунингдек, фаоллар ва фахрийлар туман газетаси босиб ўтган шонли йўл, хусусан, кейинги пайтларда муассис ва тахририят ўртасида шаклланаётган ибратли муносабатлар, тўпланаётган ижодий таҳрибат ва ташаббусларни эътироф этиб, жамоанинг сермазмун ва шарафли меҳнат фаолиятига ютуқ ва муваффақиятлар тилашди.

Ўз мухбиримиз.
Нодирбек ТОҲИРОВ
олган суратлар.

Қишлоқ чеварлари бир жамоада

Зангиота туманининг Кўктерак қишлоғида яна бир кичик корхона – "Мафтуна чевар" тикувчилик цехи иш бошлади.

Интилиш

Тадбиркор Алишер Шермухаммедов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ташкил этилган мўъжаз корхонада 12 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. Жамоада хотин-қизлар ва болаларга атай тикилаётган бири-бирдан бежирим кийим-бошлар пешма-пеш савдо нуқталарига етказиб берилмапти.

Махсулотга талаб ортиб, буюртмалар кўпаяётгани боис, тадбиркор ишни икки сменада ташкил этиш ҳаракатига тушган. Демак, ҳадемай чеварлар жамоаси янада кенгайди.

Ўз мухбиримиз.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда галла мустақиллигига эришиш озиқ-овқат хавфсизлигининг устувор йўналиши қилиб белгиланди. Бунга эришиш осон кечгани йўқ, албатта. Ўзбекистон тарихан жуда қисқа давр ичида дон импорт қилувчидан уни экспорт қилувчи давлатга айланди.

Модернизация

Бугун мазкур тармоқда "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси ва унинг тизимидаги корхоналар самарали фаолият кўрсатмоқда. Ушбу компания давлат эҳтиёжлари учун дон ва уруғлик харид қилиш, жойлаштириш ва сақлаш, юқори сифатли ун навлари, ёрма, омухта ем, шунингдек, нон, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Компаниянинг вилоятимиздаги "Тошкент-донмаҳсулот", "Охангарондон" ва "Галла-Алте" акциядорлик жамиятлари аҳолини сифатли нон маҳсулотлари

билан таъминлаш ҳажмини ошириш мақсадида 3 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган. Жумладан, "Бекобод ун заводи" корхонасидаги тегирмон цехини ишга тушириш учун 1 миллион 250 минг АҚШ доллари йўналтирилди. Модернизациядан кейин бу цехда кунига 50 тонна биринчи ва иккинчи навли бойитилган ун чиқарилади.

– "Унни бойитиш Миллий дастури" доирасида янги тизим жорий этилади, – дейди тегирмон цехи раҳбари Алижон Қобулов. – Бу ерда тайёрланадиган унга минерал-витами

аралашмалари қўшилиб, таркиби инсон саломатлиги учун фойдали қўшимчалар билан бойитилади.

Бўка туманидаги дон қабул қилиш шахобчаси ҳудудида янги замонавий цех учун зарур техника ва ускуналар Украинанинг "АгроСимо-Машбуд" бирлашмасидан келтирилди. Шу мақсадда, "Агробанк" томонидан ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан 111 минг АҚШ доллари йўналтирилди. Мазкур цех йил охирида иш бошлайди.

Бекобод туманида ноябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган тегирмон цехи Украинанинг "Могилев-Падольский" заводи

нинг 751 минг АҚШ долларилар билан жиҳозланади.

"Охангарондон" жамиятида махсус лойиҳа доирасида қурилаётган

балиқ, парранда ва чорва моллари учун омухта ем цехи шу йилнинг 3-чорағида ишга туширилади. Цех Россиянинг "Сибирское купечество" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланади. Лойиҳа қиймати 137 минг 200 АҚШ долларини ташкил қилмоқда.

Германиянинг "Петкус" компанияси ускуналари ўрнатилган Куйи Чирчиқдаги уруғлик цехида эса "Элита" ва "Супер элита" навли бугдой уруғлари тайёрланади ва вилоятимиз фермер хўжалиқларига етказилади. Иш жараёни компьютерлаштирилган тизим асосида бошқарилаётгани маҳсулот сифатини оширишга ёрдам бераётир.

– Сир эмас, галлаликда экиш мавсумининг рисоладагидек ўтказилиши, ҳосилдорлигининг юқори бўлиши,

кўп жиҳатдан, уруғ тозалаш цехлари фаолияти узвий боғлиқдир, – дейди "Охангарондон" акциядорлик жамияти раиси Баҳром Эгамбердиев. – Давлатимиз раҳбари ушбу масалаларга тўхталар экан, ҳар бир вилоят, туман, қолаверса, хўжалиқнинг ўз нави бўлишини алоҳида таъкидлайди. Зотан, нави тўғри танланган деҳқоннинг меҳнатидан унум бўлмайди. Халқимизнинг асрлар давомида ўз исботини топиб келаётган "Сара уруғ" – ҳосил бўлиқ мақоли замирида ана шу ҳаётий ҳақиқат мустаҳкамдир.

Яна бир жиҳат, янги жиҳозлар, замонавий технологиялардан фойдаланиш электр энергияси ва табиий газ сарфини кескин камайтирмоқда.

Хуришда
ТУРСУНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ФЕРМЕР БОЙ БЎЛСА...

Ҳақ гап – фермер бой бўлса, халқ бой, юрт обод бўлади. Вилоятимизда эл-юрт фаровонлигини ўйлаб меҳнат қилаётган фермерлар кўп. Бекободлик Собиржон Мухторов ҳам шундайлардан.

Қишлоқ мулкдорлари

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам касб-хунар коллежини иқтисодиёт йўналиши бўйича тамомлаган Собиржон ўзи туғилиб ўсган Хос қишлоғида фермер хўжалигини ташкил этди. Падири бузруквори Ҳасанбой отанинг ҳам орзуси шу эди. Ота-бола маслаҳатни бир жойга қўйиб, эзгу ниятлар ила ишни бошлаб юборишди.

Дастлабки йиллардаги қийинчиликларни енгиб ўтишда отанининг деҳқончиликда орттирган тажрибалари асосиди. Шу тариқа фермер хўжалигини мустақил юрота бошлади. Пахта ва галла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб борди. Қарабисизки, "Мухтор-Ҳасанбой-агро" фермер хўжалиги оғизга тушди.

Ўтган йили пахтадан 30, галладан 55 центнердан ҳосил кўтарилди, 30 миллион сўмдан зиёд соф даромадга эришилди. Аъзолар шунга яраша моддий

манфаат кўришди.

– Хозирги кунда фермер тинимсиз изланишда бўлиши керак, – дейди Собиржон Мухторов. – Давр талабидан келиб чиқиб, хўжалигимизни кўп тармоқли қилмоқчимиз. Бунинг учун имкониятлар етарли.

Фермер бутун диққат-эътиборини мавжуд тармоқларни тенг ва тез ривожлантиришга қаратмоқда. Мавжуд 83 гектар майдоннинг 35 гектарида пахта, 23 гектарида галла, 5 гектарида сабзавот етиштирилмоқда. Беш гектар боғнинг парвариши ҳам кўнгилдагидек. Айни вақтда 35 бош қорамол ҳам боқилаяпти.

35 гектар майдондаги ғўза маҳалли ва кимёвий ўғитларга тўйди, қондириб суғорилди, бегона ўтлардан обдон тозаланди. Айни кунларда ғўза шоналаяпти. Фермернинг айтишича, бу йил пахта ҳосилдорлиги 35 центнердан кам бўлмайди.

– Галла ҳосили ҳам мўл



бўлди, – дейди сувчи Али Гафуров. – 23 гектар майдондаги бугдой нест-нобуд қилинмай, йиғиштириб олинди. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда, ҳосилдорлик 60 центнердан ошарди.

Янги боғнинг 2 гектарига олхўри, 2 гектарига олма, 1 гектарига анор экилган. Улар уч йилда ҳосилга кирди. Шунингдек, 1,5 гектарда пиёз, ярим гектарда сабзи, 3 гектар майдонда қовун-тарвуз етиштирилмоқда. Худуддаги агрофирмалар ҳамда "Бекобод деҳқон бозори" билан шартнома тузилган.

Хозир бугдойдан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу хўжалик аъзолари учун қўшимча даромад бўлади.


Шунингдек, чорвачилик тармоғини ҳам жадал кенгайтириш ҳаракати бошлаб юборилган. Фермер тез кунларда четдан зотли моллар олиб келиш ниятида. Кейинчалик эса, сутни қайта ишлаш цехини ишга туширмоқчи. Бу режалар амалга ошган, яна ўндан зиёд касб-хунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланади.

Ашурали БОЙМУРОВОД.

ЯНГИ ЖОМЕ МАСЖИДИГА ҒИШТ ҚЎЙИЛДИ

Вилоятимизда табарруқ қадамжов ва обидалар талайгина. Ўрта Чирчиқ тумани Йўнғичқали қишлоғидаги "Хўжаи қорсоз" зиёратгоҳи ҳам ана шундай масканлардан биридир. Айтишларича, бу зиёратгоҳ тарихи 8-9 аср наридан бошланади.

Эзгулик



Мазкур қадамжов билан туташ жойда эски "Хўжаи қорсоз" масжиди ўрнида замонавий кўринишдаги муҳташам жоме масжиди қурилиши бошлаб юборилди. Давлатимизнинг муқаддас динимизни пок сақлаш, мусулмонларнинг дин арконларини эмин-эркин бажаришлари борасидаги ғамхўрлиги ифодаси бўлган қурилиш умумхалқ ҳашарига айланиб кетди.

"ART DIZAYN SAN'ATI" масъулияти чекланган жамияти пудратчи бўлган қурилиш майдонида ҳафтанинг чоршанба

куни эрта тонгдан атрофдаги маҳаллалар қариялари, фаоллари, мутасадди идоралар вакиллари ҳозир бўлдилар. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов муҳташам жоме масжиднинг рамзини биринчи ғиштини қўйиб, ушбу ибодатхона ҳамюртларимиз қалбига имон-эътиқодни мустаҳкамлаш, диний қадриятларимизни улуғлаш ва ёшларнинг маънавий-руҳий тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлади, дея ишонч билдирди.

Раъшон МИРЗАҚУЛОВ.

Танлов

"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг маънавий, сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида "Донорлик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" шиори остида "XXI аср аёли" республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди.

АСР АЁЛИ – ЖАМИЯТ ФАХРИ

Тадбирда вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари раҳбарлари, хотин-қизлар кўмиталари вакиллари, "Ойла" илмий-амалий маркази ходимлари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари иштирок этди. "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган мазкур кўрик-танлов оқла хотин-қизларнинг юртимизда юз бераётган сиёсий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлардан хабардорлигини янада кучайтириш, янги-янги ташаббус ва гояларини амалга оширишларида ёрдам бермоқда.

– Миллий қадрият, урф-одат ва маънавий анъаналаримизни авайлаб-асраш ва янада бойитиш, уларни навқирон авлодларга безавол етказиш, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда хотин-қизларнинг ўрни беқиёс, – дейди партия вилоят кенгаши ижроси кўмитаси етакчи мутахассиси В. Шодиева. – "XXI аср аёли" кўрик-танлови аёлларимизда шундай фазилатларни тарбиялашга хизмат

қилаётгани билан муҳимдир.

Иштирокчилар "Партия менинг тақдиримда", "Агар мен депутат бўлсам...", "Лойихалар танлови" шартлари доирасида партиянинг дастурий мақсад ва гояларини тарғиб қилиш, жамоатчилик назоратини қўлайтиришга оид фаолият, сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ўзaro беллашдилар.

Танлов якунларига кўра, Зангиота агросаноат касб-хунар коллежи ўқитувчиси Дилдора Шаронова биринчи ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Пискент тумани 1-умумтаълим мактаби етакчиси Камола Ҳабибуллаева иккинчи, Қўбрай тумани 16-умумтаълим мактаби етакчиси Умида Собиржонова учинчи ўринни эгаллашди.

Тадбир сўнгига қолди ва совриндорларга партия вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Самад Йўлдош.

Сўраган Эдингиз

– Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома қанча муддатда берилади?

А. ЗОКИРОВА,
Янгийўл тумани.

– Нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра, унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Мазкур гувоҳнома васиятнома очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади. Мерос қонун бўйича олинганда ҳам, мол-мулкка ёки бутун авлодга нисбатан гувоҳнома бериши сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқ бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Саволларга Яқкасарой тумани 7-дават нотариал идораси нотариуси Камола МАЗОКИРОВА жавоб берди.

МЕРОС ҲУҚУҚИ

– Отам оламдан ўтди. Ундан қолган мерос таркибида автомашина ҳам бўлиб, ундан фойдаланишга таъқиқ қўйилган экан. Бу вазиятда нотариус биздан қандай ҳужжатларни талаб этишга ҳақли?

Д. ЭРҲАШЕВ,
Қўйи Чирчиқ тумани.

– Агар мерос мулклар таркибига автотранспорт воситаси ҳам кирса, нотариус мерос воситасида автотранспортлар рўйхатдан ўтказилган жойи бўйича ташкилотлар томонидан баҳоланганлиги тўғрисидаги ҳулоосани талаб қилади. Агар мулк таъқиқда бўлса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома йўқсатиб турилади.

«ТЕЗ ЁРДАМ» УЧУН АВТОМАШИНАЛАР

Мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижроси доирасида тез тиббий хизматни нафақат тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар, балки тиббий ёрдам автомобиллари, алоқа воситалари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг "Тез тиббий хизмат" бўлими жорий йилда белгиланган дастурга мувофиқ,

"GM Uzbekistan" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ҳамда замонавий алоқа ва тиббиёт воситалари билан жиҳозланган 8 та "Дамас" ва 1 та "УАЗ" русумли автомобиллар билан таъминланди.

Эндиликда ушбу санитар автомобиллари тумандаги Чанги, Намданак, Сўқоқ қишлоқлари аҳолисига сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатишга хизмат қилади.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР ИБРАТИ

Яхши хабар тез тарқалади, дейишганича бор. Махбуба Йўлдошеванинг галабаси ҳақидаги мужда ҳам нафақат ўзининг "Чинор" маҳалласи, балки бутун Сўқоқ қишлоғи бўйлаб тезда ёйилди. Бу янгиликни эшитган қишлоқ аҳолисининг айримлари ўзини Махбуба опанинг ўрнида тасаввур қилиб хаёл сурса, баъзилари: "Ҳақиқатан бу оила шу номга муносиб", – дейишди.

Паркент туманида бўлиб ўтган "Энг намунали оила" кўрик-танловининг саралаш босқичи қизиқарли ва ибратли лаҳзаларга бой бўлди.

Ибратли оилаларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловда туман маҳаллаларида энг намунали, деб топилган оилалар 7 та худудга бўлинган ҳолда ўзаро беллашишди.

3 та шарт асосида кечган баҳсларда ғолиблар аниқланиб, махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танловда, шунингдек, "Китобсевар оила", "Спортчи оила", "Ишбилармон оила", "Меҳрибон қайнона" каби қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Азизбек ХУДИҚУЛОВ.

Паркент томонларда

Реклама ва ёлловлар

РЕЕСТР № 19-03-22-06-ЎЗР-28-2017

ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР

2017 йил 15 июлдан жорий этилади.

Умумий кўрсатмалар

1. Ушбу преискурент тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.

2. Истиш усулларини туридан қатъи назар, аҳоли томонидан ҳовли ва кўп қаватли уйлари истишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик истиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазиirlар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан истиш мавсуми беш ойлик ортқ еки кам қилиб белгиланган тақдирда газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун истиш бўлса, ушбу усуллар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ ошқиради.

4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган ҳовли ва кўп қаватли уйларида фойдаланилган газ учун тўловлар газ ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу преискурентда белгиланган тариф бўйича тўланади.

5. Фойдаланилган газ учун тўлов микдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшашганлар ҳам ҳисобга олинади.

6. Истилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажми: истиш усулини қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналари, ошхона, ички йўлақлар, шунингдек, истиш усулларини бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнавалар балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.

7. Преискурентнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Истилаётган хона меъёри бир кишига 43 куб. метр қилиб белгиланган.

Хоналарни меъёрида белгиланган ҳажмда (43м³/киши) истиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортқча ҳажми учун эса бир ярим баробар микдорда тўланади.

8. Автоном сув истиш ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжерияларни истиш, яқка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёкиш усулларининг энг юқори қуввати ва истиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.

9. Ушбу преискурентнинг "Умумий кўрсаткичлар"и, агар қўшимча преискурентда бошқа кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча преискурентларга ҳам тегишлидир.

10. Ушбу чакана тарифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги илгари тасдиқлаган (2016 йил 13 сентябрь, реестр № 19-03-22-06-ЎЗР-56-2016) нархлар ўрнига 2017 йил 15 июлдан жорий этилади.

1. Аҳоли томонидан фойдаланилган табиий газ учун тарифлар*)

Т/р	Кўрсаткич	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги тарифи (сўм)
1.1	Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10м³	2 634,00
1.2	Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	«-»	10м³	4 555,10
	Истиш учун	«-»	10м³	2 112,45

2. Газ ўлчагичлари йўқ ҳолатда коммунал-рўзгор эҳтиёжлари ишлатиладиган газ учун тарифлар (ГОСТ 5542-87)

Т/р	Истеъмолчи тавсифи	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўловлар йиллик*)	Ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминоти бор уйларида овқат пишириш газ плиталари	Бир яшовчидан 11,0м³	60 127,20	5 010,60
2.2	Гадада сув истиш усулини ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларида овқат пишириш газ плиталари	15,0м³	81 991,80	6 832,65
2.3	Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйлари иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар	16м³	87 457,80	7 288,15
2.4	Истиш газ усулларини туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик истиш мавсуми давомида истишда газдан фойдаланганлик учун ойига:	Хонанинг 1м³ учун 6,0м³	6 337,25	1 267,45
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда	Хонанинг 1м³ учун 5,76м³	6 083,75	1 216,75
2.5	Дағал ва илдиэмеваги озукларини буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув истишини ҳисобга олган ҳолда молларга озукга тайёрлаш	Отга 5,6м³ Сигирга 23,7м³ Қўй (эчки) 2,2м³ Чўчага 12,5м³	30 610,20 129 547,20 12 025,20 68 326,80	2 550,85 10 795,60 1 002,10 5 693,90

*) Истиш ҳақи беш ойлик истиш мавсуми давомида тўланади.

Реестр № 19-03-22-06-ЎЗР-27-2017 улгуржи истеъмолчилар ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналарига етказиб бериладиган табиий газнинг

УЛГУРЖИ НАРХЛАРИ

2017 йил 15 июлдан жорий этилади

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нархлар (ҚҚС билан сўмда)
Улгуржи истеъмолчиларга ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналарига етказиб бериладиган табиий газ	1000 куб.м	263 400

Эслатма:

1. Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.
2. Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.
3. Мазкур реестрга амал қилина бошлагани билан 2016 йил 13 сентябрдаги № 19-03-22-05-ЎЗР-56-2016 реестри ўз кучини йўқотди.

Корхона, муассасалар раҳбарлари ва Тошкент вилояти аҳолиси диққатига:

(Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларидан ташқари)
Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси маълум қилади:
Тошкент вилояти Молия бошқармасининг ТВ-08-11-3-2017/1-сонли реестрига асосан:

2017 йил 19 июлдан бошлаб етказиб берилган иссиқлик энергиясининг нархи:
а) Коммунал хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналари ва бюджет ташкилотларига 1 Гкал учун – 52 000,00 сўм микдориди (ҚҚСсиз);
б) Аҳоли учун:
– марказий истиш бир кв.м. яшаш майдони учун ойига – 993,00 сўм;
– иссиқ сув бир киши учун ойига – 11 170,00 сўм;
в) Иссиқ сув ўлчагичлари бўйича:
– иссиқ сувдан меъёрий фойдаланиш бир куб. м. – 2 860,00 сўм.

Тошкент вилояти "Сувоқова" давлат унитар корхонаси таркибидида "Сувоқова" филиаллари томонидан ишлаб чиқарилган ичимлик суви ва оқова хизматларининг баҳоси Тошкент вилояти Молия бошқармаси томонидан 2017 йил 4 июль куни рўйхатга олинган ва тасдиқланган ТВ-08-11-3-2017/1-сонли реестрига асосан, Тошкент вилоятида 2017 йил 19 июлдан бошлаб ичимлик суви ва оқова сувларининг ягона нархлари қуйидагича белгиланди:

Аҳолига ичимлик суви 1 м³ – 410 сўм
Бюджет ташкилотларига ичимлик суви 1 м³ – 1250 сўм
Бошқа ташкилотларга ичимлик суви 1 м³ – 1250 сўм
Аҳолига оқова хизмати 1 м³ – 295 сўм
Бюджет ташкилотларига оқова хизмати 1 м³ – 540 сўм
Бошқа ташкилотларга оқова хизмати 1 м³ – 680 сўм

"КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошлангич баҳоси босқичида босқичидаги бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Қатортол филиалининг 29.08.2017 йилдаги № 1031/2881-сонли буюртма-номасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар:
1. Окқўрғон тумани, Окқўрғон шаҳри, Яралихўжаев кўчасида жойлашган майдони 0,2297 Га бўлган савдо дўкони. Бошлангич баҳоси – 547 370 000 сўм;
2. Окқўрғон тумани, Окқўрғон шаҳри, Зебино кўчаси, 15-уйда жойлашган майдони 0,0485 Га бўлган нотураг бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 253 780 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 7 август кун соат 11,00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10,00 дан 16,00 гача қабул қилинади (13,00 дан 14,00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати 2017 йил 4 август кун соат 18,00 гача.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закат пулини тўлов

11 сентябрь кунлари ўтказилади. Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати 2017 йил 23 август кундаги аукцион савдоси учун 21 август соат 18,00 гача, 2017 йил 11 сентябрь кундаги аукцион савдоси учун 8 сентябрь соат 18,00 гача.
Аризалар қабул қилиш ва савдога ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Яқкасарой кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (371) 253-07-85, 253-07-89. www.1kms.uz.
Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.
Лицензия РЯ-0001.

